

ИЖТИМОЙЛАШУВ ДАВРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА АВЛОДЛАР УЗВИЙЛИГИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСИ СИФАТИДА

Кулматов Норқобил Эшмаматович

С Д В М Ч Б У Т Ф. катта ўқитувчи

91-166-22-35.norqobil.65@mail.ru

Риззаев Шавкатжон Рихсибоевич

С Д В М Ч Б У Т Ф. Ассистент

rizzaevshovkatrixsiboevich@mail.com

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда ижтимоийлашув даврини бошидан кечираётган ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда авлодлар узвийлигини таъминлаш янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий асосларидан бири эканлиги тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Янги Ўзбекистон, ижтимоий жараёнлар, ижтимоийлашув, ўқувчилар, ватан, ватанпарварлик, авлодлар, кекса авлод, ёш авлод, барқарорлик, бирлик

ПРИНАДЛЕЖНОСТЬ ПОКОЛЕНИЙ КАК ДУХОВНАЯ ОСНОВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ВОСПИТАНИИ УЧАЩИХСЯ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА В ПЕРИОД СОЦИАЛИЗАЦИИ

Аннотация: В данной статье рассматривается, как обеспечение сплоченности поколений в духе патриотизма при воспитании учащихся, проходящих период социализации в нашей стране, является одной из духовных основ Нового Узбекского общества.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, социальные процессы, социализация, студенты, Родина, патриотизм, поколения, старшее поколение, молодое поколение, стабильность, единство.

MEMBERSHIP OF GENERATIONS AS THE SPIRITUAL BASIS OF THE NEW UZBEKISTAN SOCIETY IN THE EDUCATION OF STUDENTS IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM IN THE PERIOD OF SOCIALIZATION

Annotation: This article discusses how ensuring the cohesion of generations in the spirit of patriotism in educating students who are going through a period of socialization in our country is one of the spiritual foundations of the new Uzbek society.

Key words: New Uzbekistan, social processes, socialization, students, homeland, patriotism, generations, older generation, younger generation, stability, unity.

КИРИШ

Инсоният тарихидан шу нарса яхши маълумки, барча замонларда ҳам ёшлар тарбияси энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб, жамият

тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Инсоният XXI асрга қадам қўйганидан кейин бу масала янада долзарб, янада муҳим, ҳаёт-мамонт масалаларидан бирига айланиб қолди. Бугунги ижтимоийлашув даврида юртимиз ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида авлодлар узвийлигини таъминлаш янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий асосларидан бири эканлигини назарда тутган Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида ёшлар тарбияси масаласига жуда катта эътибор бериб келмоқда. Унинг нутқлари, чиқишлари ва ислохотларида тарбия, жумладан: ахлоқий тарбия, маънавий тарбия ва маърифий тарбия масаласи доим марказий ўрин тутди. Ўз даврида у шундай деб ёзган эди: “Айниқса, дунёда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби ёвуз хавф-хатарлар инсоният бошига оғир кулфатлар солаётган ҳозирги мураккаб бир даврда ёшлар тарбияси масаласи янада муҳим аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бугунги кунда юртимиз ўқувчи ёшлари қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо тан олишимиз керакки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз ҳали етарли даражада эмас. Шу боис биз ёшларимиз, айниқса, уюлмаган ёшлар билан ишлашга жиддий эътибор қаратишимиз зарур [1]. Шундай экан биз танлаган “Ижтимоийлашув даврида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда авлодлар узвийлиги янги Ўзбекистон жамиятининг маънавий асоси сифатида.” мавзуси бугунги кун учун энг долзарб ва муҳим мавзулардан бири ҳисобланади.

МЕТОДОЛОГИЯ

Шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланиши учун унинг маънавий меросининг сақланиши ва авлодлар узвийлигининг барқарор давомийлиги муҳим аҳамиятга эга. Авлодлар узвийлиги деганда ота-боболаримизнинг бой маънавий мероси, ҳаётий тажрибалари, ўтмиш аجدодларимиздан бизларгача етиб келган миллий маънавий қадриятлар тизими, ва урф-одатлар тушунилади. Авлодлар узвийлиги жараённинг бузилиши ҳар қандай жамиятнинг нафақат маънавий

таназзулига, балки мафкуравий бўшлиқ (ваакум)нинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун Учунчи Ренессанс остонасида турган Янги Ўзбекистонда авлодлар узвийлиги ва давомийлиги масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМА

Инсоният XXI асрга қадам қўйганидан кейин жаҳон миқёсида глобал ахборот алмашинуви шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги янги Ўзбекистонда ижтимоийлашув жараёнларида ўқувчи ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уларнинг маънавий оламида бўшлиқ (ваакум) вужудга келмаслиги учун, ёшларимизнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларимизга, жумладан диний қадриятларимизга нисбаттан ҳурмат-эъҳтиром туйғуларини болаликларидан бошлабоқ шакллантиришда авлодлар узвийлигининг барқарор давомийлиги ва ўрни бугунги кунда сув билан ҳаводек зарур бўлиб бормоқда. Шу ўринда ижтимоийлашув сўзига ҳам аниқлик киритиб кетсак. Ижтимоийлашув - инсоннинг жамиятга киришиши, жамият ҳаёти қонун-қоидалари, қадриятлари, урф-одатлари ва меъёрларини ўзлаштириш жараёнида фаол жамият аъзоси бўлиб шаклланишидир. Бошқача қилиб айтганимизда ҳар бир жамият аъзоси бўлмиш ўқувчиларимиз болаликлариданоқ бошлаб теварак атрофдагилар билан мулоқот қилади, мулоқот орқали хулқ – атвор, одоб – ахлоқ, тил, маданият ва маънавиятни ўрганади. Мана шу ижтимоийлашув жараёнида ўқувчи ўзи яшаб турган жамиятда қандай яшаш кераклигини, қандай ишлаш ва қандай мулоқот қилиш кераклигини билиб боради. Ижтимоийлашув жараёнида ҳар бир ўқувчи жамиятнинг тўлиқ фаол шахси сифатида шаклланади. Одатда ижтимоийлашув инсонлар ҳаётида учта босқичда кечиши мумкин. Инсон дунёга келгач унинг болалик давридаги ижтимоийлашуви. Бу даврда инсон биринчи бор жамиятнинг қонун-қоидалари, меъёрлари билан танишади. Оилада яқин қариндош-уруғлар, боғча ва мактабда одоб-ахлоқ, тил, урф-одатлар ва миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганади. Масалан: “одоб билан гапириш”, “диққат билан эшита олиш”, “катталарни ҳурмат қилиш”,

“киччикларга иззат қилиш”, “ҳар бир ишни маъсулият билан бажариш” каби бир қатор инсоний фазилатларни шу босқичда ўзлаштиради. Ижтимоийлашувнинг иккинчи босқичи инсонда ўсмирлик даврида шаклланиб боради. Бу даврда ўқувчи ёшлар мактаб, олийгоҳ ва дўстлари гуруҳлари орқали жамиятнинг янги-янги қонун-қоидаларини ўзлаштириб ўрганадилар. Бу даврда ҳар бир ўқувчида шахсий қарашлар, касб танлови ва ҳаётда ким бўлсам экан деган йўналиш аниқлана бошлайди. Ижтимоийлашув даврининг учунчи босқичи болалик ва ўсмирлик давридан фарқли ўлароқ, катталар ҳаётидаги ижтимоийлашув бўлиб, бу даврда ҳар бир онгли инсон оила қуриш, меҳнат жамоаси, давлат ва жамият қурилиши фаолиятида касбий маҳоратга эга бўлганлиги ва меҳнатга бўлган муносабати орқали ўзининг ижтимоийлашув ролини тўлиқ бажарган бўлади. Масалан: “Ота-оналик”, “муаллимлик”, “докторлик”, “инженерлик”, “фуқаролик бурчи”, “фуқаролик мажбурияти” каби маъсулиятли бурч ва вазифалар шаклланади.

Бугунги кунда ўқувчиларимиз тарбияси – бу бир инсоннинг, бир оила ёки бир ота-онанинг, бир маҳалла ёки бир мактабнинг иши эмас, балки барчамизнинг энг асосий вазифамиздир. Агар, оилада ота-оналар, боғчада тарбиячилар, мактаб ва олий таълимда ўқитувчи ва устозлар, маҳалла жамоатчилиги биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак ўқувчиларимиз Ватан ва эл-юрт корига ярайдиган комил инсонлар бўлиб улғаядилар. Яхши тарбия инсонга маънавият каби она сути, ота намунаси ва аجدодлар ўғити билан бирга сингади. “Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенглардандан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас” [2]. Бизнингча бу ғоя тарбия бобида ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқарога дастурил амал бўлмоғи лозим. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари юқоридаги фикрларнинг тўла-тўқис тасдиқлашини кўришимиз мумкин “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улўғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, ибн Синолар,

Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало таълим - тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим” [3]. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдиларига катта мақсад ва марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларни амалга оширамиз” [3.1]. Ўзбек миллий давлатчилик тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, қадим замонлардан бошлаб зардуштийликнинг муқаддас китоби – “Авесто”да ҳамда ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”да, улуғ аждодларимиз – имом Исмоил ал-Бухорий, имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий ва бошқа бир қатор мутафаккир алломаларимизнинг асарларида ҳам инсонда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда оила ва миллий қадриятлар масаласи асосий ўринни эгаллаган. Маълумки, ўзбек оиласи ўзида миллатимизга хос кўп асрлик маънавий қадрият ва анъаналаримизни, удум ва расм-русумларимизни, маънавий-маърифий, маданий меросимизни сақлаб келади. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомила маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ибодат ва ор-номус каби одоб-ахлоққа оид ҳис-туйғулар нафакат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний қадриятлар ва фазилатларнинг намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Шарқда миллий қадриятларни фарзандлар онги ва қалбига сингдириш оиладан бошланади. Жумладан, ёшлар катталардан: сувга тупурма, сувга ахлат ташлама, нон устига нарса қўйма, ноннинг увоғи ҳам нон, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онангнинг гапини иккита қилма, устозингни ҳурмат қил, атрофингга бефарқ бўлма каби насиҳатларни эшитиб, турли ривоят, мақол, ҳикматларни тинглаб, хотираларида сақлаб вояга

етадилар. Ўқувчи ёшларимиз бизнинг келажагимиз, улар ота-она ва аجدодларимиз ишининг давомчилари ҳисобланади. Бизнинг асосий мақсадимиз – миллий ва маънавий қадриятлар асосида ижтимоийлашув даврида комил ва ватанпарвар инсонларни тарбиялашдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи миллий маънавий қадриятлар ва одоб ахлоққа бағишланган махсус теран таълимотларнинг меросхўридир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳиббат ул-хақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя” [5], Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муқсиний” [6], имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ал Жомеъ ас Саҳиҳ”, имом ат-Термизийнинг “Шамоиلى-Муҳаммадия” номли одоб-ахлоқ меъёрларини батафсил ёритиб берувчи асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Бугунги ижтимоийлашув даврда миллий ва маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ошиб бориши, ўқувчилар камолотидаги ўрни барчамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда ёшлар тарбиясини маънавий қадрият ва миллий истиқлол мафкураси тамойиллари билан уйғунликда олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоийлашув даврида ўқувчиларимизнинг ватанпарварлик ҳис-туйғуларини миллий-маънавий қадриятлар руҳида шакллантириш ёш авлод вакиллари ўтмиш алломаларимизнинг ўғити, доно сўзлари, фикрларини қадрлаш ва ҳаётда қўллашга ундайди, уларнинг фикрлаш қобилиятлари ва дунёқарашларини кенгайтиради. Бугунги ўқувчиларимиз – келажагимиз пойдевори. Шундай экан, уларни ҳар томонлама етук, комил, ватанпарвар, юрт тинчлиги ва равнақи йўлида фидокор бўладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш зарур. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват

уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса, эътиборга сазовордир. Баркамол авлодни тарбиялашдек порлоқ ниятимиз учун бизда маънавий асос бор” [7.1], - деган фикрлари барчамизга дастуриламал бўлиши зарур. Хуллас, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган инсонларни, келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки ижтимоийлашув даврида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда авлодлар узвийлигининг давомийлиги – бу нафақат миллий маънавий меросни сақлаш, балки жамиятнинг мафкуравий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилидир. Янги Ўзбекистонда ушбу жараён давлат сиёсати даражасида қўллаб – қувватланмоқда. Жумладан: оилада, таълимда, маданият ва маънавиятда, ахборот соҳаларида авлодлар узвийлигини ривожлантириш орқали миллий ғоямизни мустаҳкамлаш, ёт бегона бузғунчи мафкуравий таҳдидларга қарши ўқувчиларимиз онги ва тафаккурида кучли мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз мумкин. Агар катта авлод ўз тажрибасини ва маънавий меросини ёшларга тўғри етказа олса, жамиятда бирлик ва барқарорлик таъминланади. Ижтимоийлашув даврида ўқувчи ёшларимиз турли хил ахборот хуружлари таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Бундай вазиятда миллий ўзлик ва маънавий барқарорликни асраш учун албатта авлодлар узвийлиги асосий қалқон вазифасини ўтайди. Чунки катта авлод билан кичик авлод ўртасида узвийлик йўқолган ҳар қандай жамиятда мафкуравий бўшлиқ (ваакум) пайдо бўлиб, уни ёт бегона ғоялар тўлдириши мумкин. Янги Ўзбекистонда фаровон яшашимиз, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни ҳис этган сари қалбимиз ифтихор туйғуси ила жўш уради. Ҳаётимизнинг навбатдаги поғонаси – фарзандларимиз ва набираларимизнинг

бахту-иқболини кўриш билан боғлиқдир. Фарзандларига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни инъом этаётган катта авлоднинг дилдаги ва тилдаги тилаги шу: ўғил-қизларимиз биздан кўра кучлироқ, билимлироқ, доно бўлсинлар ва албатта, бахтли-саодатли яшасинлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. -Б.103
2. Каримов. И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқи. //“Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил 29 январ.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. -Тошкент. 2020 йил 29 декабр.
4. Авеста: “Видевдат” китоби (М.Исҳоқов таржимаси). -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2007.
5. Марғиновий Б. “Ал-Ҳидоя”, 1-жилд. Т; 2001; Яна қаранг Ҳидоя, ЎзМЭ, 11-жилд. Т; 2005. Б. 326
6. Кошифий В.Х.,. Ахлоқи Муқсиний. - Т; ЎзМЕ, 2010.
7. Мирзиёев Ш.М.. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.146.